

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Навоий давлат кончилик институти

*«Давлат бюджети тушунчаси, унинг
таркибий қисмлари ва аҳамияти»*

мавзусидаги

РЕФЕРАТ

Тайёрлади: 9а-11 ТЖА гуруҳи талабаси
Санакулова М

Текширди: Рашидов М.К.

Навоий -2014й

МАВЗУ 1: ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТУШУНЧАСИ, УНИНГ ТАРКИБИЙ КИСМЛАРИ ВА АХАМИЯТИ

Р е ж а:

- 1. Кириш**
- 2. Давлат бюджети, бюджет тузилмаси ва бюджет тизими
моҳияти**
- 3. Давлат бюджетининг таркибий тузилиши**
- 4. Бюджет жараёни**
- 5. Давлат бюджетининг ижроси ва унинг назорати**
- 6. Хулоса ва таклифлар**

1. Кириш

Мамлакатнинг маъмурий-худудий қурилмаси қонунчиликда маҳаллий ҳокимиятлар мустақиллигини эътиборга олган турли даражадаги бюджетларни ташкил этишни назарда тутди.

Бюджет тузилмаси деганда у ёки бу мамлакатда бюджет тизимини тузишнинг ташкилий тамойиллари, унинг таркиби ва унда мужассамлашган бюджетлар ўртасидаги ўзаро алоқалар тушунилади. Жаҳон тажрибасида бюджет тузилмасининг учта турдаги модели амал қилади.

Мамлакатларнинг давлат тузилишининг турли-туманлиги бюджет тузилмаларининг тури ва моделлари турли бўлишининг бош омили ҳисобланади. Масалан, тарихан шаклланган монархия тизимида бюджет ягона хазина жамғармасидан иборат бўлган, унинг шаклланиши ёки ишлатилиши яқка тартибда ҳал қилинган. Шу маънода бюджет тизимларининг ривожланиши давомида уч турдаги моделлар мавжудлиги аниқланган.

Давлат тузилишида Марказ ва минтақаларнинг тузилишига қараб барча давлатларни **унитар** ва **федерал** турларига таснифланиши мумкин. Унитар давлатларда бюджет тизими икки бўғиндан иборат :давлат бюджети ва кўп сонли маҳаллий бюджетлардан иборат. **Федерал** тузилишга эга бўлган мамлакатларда давлат тузилиши икки шаклда бўлиши мумкин: федерация ва конфедерация. Шунга мос равишда давлатнинг бюджет қонунчилиги уч поғонадан иборат бўлади. Айрим олимлар конфедератив мамлакатларда ҳам уч поғонали бюджетлар амал қилишини таъкидлашади.

Унитар давлатлар таркибига Ўзбекистон, Қозоғистон, Япония, Швеция, Франция, Польша ва бошқаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Федератив мамлакатларнинг бюджет тизими учта поғонадан иборат бўлади: -давлат бюджети (федерал бюджет, ёки марказий ҳукумат бюджети), федерация аъзоси бюджети ва маҳаллий бюджетлар. Ушбу шаклда бюджет тизимига эга бўлган давлатларга Россия, АҚШ, Канада, Мексика ва б.киради.

Жаҳон тажрибасида бюджет тузилмасининг учта турдаги модели амал қилади ва улар кўйидагилардан иборат:

- **марказлашмаган** – бюджет тизимининг марказий ва маҳаллий бўғинларининг мустақиллиги билан ифодаланиб, уларнинг ҳар бири уз даромадлари ва харажатларига эга бўлади. Бу моделга мисол сифатида Швейцария мамлакатининг бюджет тизимини кўрсатиш мумкин;

- **марказлашган** – барча даражадаги бюджетларнинг ягона давлат бюджетидида марказлашувини англатади, бунда ҳар бир юқори даражадаги бюджетга бюджетниги тартибга солиш ҳукуки берилади;

- **аралаш** – марказий бюджет томонидан қуйи бюджетларни тартибга солиш ҳукуки сакланган ҳолда ҳар бир қуйи бюджет уз харажатларини қоплайдиган даромад манбаларига эга бўлади.

2. Давлат бюджети, бюджет тузилмаси ва бюджет тизими моҳияти

Давлат бюджети - давлат пул маблағларининг (шу жумладан давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблақлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади;

Бюджет тузилмаси давлат тузилмаси билан аниқланади.

- Мамлакатнинг маъмурий-худудий қурилмаси қонунчиликда маҳаллий ҳокимиятлар мустақиллигини эътиборга олган турли даражадаги бюджетларни ташкил этишни назарда тутди. **Бюджет тузилмаси** деганда у ёки бу мамлакатда бюджет тизимини тузишнинг ташкилий

тамойиллари, унинг таркиби ва унда мужассамлашган бюджетлар ўртасидаги ўзаро алоқалар тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг бюджет тузилмаси «Бюджет тизими тугрисида»ги Конунига асосан қуйидагича ташкил этилган:

Давлат бюджети:

республика бюджетини;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетларни ўз ичига олади.

Давлат бюджети таркибида давлат мақсадли жамғармалари жамланади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетини ҳамда республикага (Қорақалпоғистон) бўйсунувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади.

Вилоятнинг бюджети вилоят бюджетини, вилоятга бўйсунувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади.

Туманларга бўлинадиган шаҳарнинг бюджети шаҳар бюджетини ва шаҳар таркибига қирувчи туманлар бюджетларини ўз ичига олади.

Туманга бўйсунадиган шаҳарлари бўлган туманнинг бюджети туман бюджетини ва туман бўйсунувдаги шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади.

Бюджет тизими турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилари, бюджетларни ташкил этиш ва тузиш тамойиллари, бюджет тузиш жараёнида бюджетлараро ва бюджет ҳамда бюджетдан маблағ олувчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатлар йиғиндисидир.

Бюджет тизимининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- бюджет таснифи тизими, ҳисоб-бюджет ҳужжатлари ва бюджет жараёни тузилишининг ягоналиги (ягоналик тамойили деганда ҳуқуқий базанинг, пул тизимининг, бюджет ҳужжатлари шакллари, мамлакатдаги бюджет жараёни тамойилларининг ягоналиги ҳамда турли даражадаги бюджетлар харажати молиялаштириш - маблағ билан таъминлаш);

- бюджет тузилишининг Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилишига мувофиқлиги;

- турли даражадаги бюджетларнинг ўзаро боғлиқлиги;

- Давлат бюджети баланслилиги;

- давлат даромадларини аниқ манбалар бўйича ва харажатларини йўналишлари (моддалари) бўйича режалаштириш;

- давлат бюджети харажатларини бюджетдан ажратиладиган тасдиқланган маблағ доирасида сарфлаш;

- барча даражадаги бюджетларнинг мустақиллиги.

3. Давлат бюджетининг таркибий тузилиши


Тасниф ёки туркумлаш деганда у ёки бу иқтисодий ҳодиса, жараён ва муносабатларнинг таркибий тузилиши, белгиланиши ва иқтисодий мазмунини тўлиқ ва батафсил ўрганиш, аниқлаш ва таҳлил қилиш мақсадида турли синфларга ажратиш тушунилади. Бюджет таснифи алоҳида олинган давлат бюджет тизимини таркибий тузилишини, унинг алоҳида даража ва соҳалар бўйича элементлари тўпламини ташкил этади.

Бюджет таснифидан давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ҳамда ижро этиш мақсадида бюджет маълумотларини тизимга солиш учун фойдаланилади. Бюджет таснифи бюджет маълумотларини халқаро тасниф тизимларининг айнан шундай маълумотлари билан қиёслашни таъминлайди.

Бюджет таснифи қуйидаги таснифларни ўз ичига олади:

- Давлат бюджети даромадлари таснифи;
- Давлат бюджети харажатларининг вазифа жиҳатидан, ташкилий ва иқтисодий таснифи;
- Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари таснифи.


Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети таркиби ва тузилишини тасниф қуйидаги 1-расмда берилган.



Ўзбекистонда амалда бўлган бюджет қонунчилиги халқаро таснифлаш асосида давлат бюджети даромадлари ва харажатларини миллий таснифлашни ишлаб чиқиш кўзда тутилади. Ушбу таснифлар давлат молияси ҳисобини юритиш ва уни бошқаришни яхшилаш имконини беради. Турли даражадаги бюджетларнинг барча даромад манбалари ва харажат йўналишлари белгиланади. Бюджет таснифи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуни Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Шуниси характерлики, мазкур қонунда давлат бюджети даромадларини таснифлашнинг икки мезонига, яъни даромадларни давлат қурилишига кўра ва ташкил топиш манбаларига кўра таснифлаш мезонига амал қилинган. Умумий ҳолда бюджет даромадаларини таснифи қуйидаги 2-расмда берилган.

Даромадлар таснифи



2-расм. Бюджет даромадлари таснифи

Республика бюджетидаромадларининг ташкил топиш манбалари:

1. Умумдавлат солиқлари, йиғимлари, божлари ва бошқа мажбурий тўловлар;
2. Давлат молиявий ва бошқа активларини жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши ва сотилишидан олинган даромадлар;
3. Мерос олиш, ҳада этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;
4. Юридик ва жисмоний шахслардан, чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари;
5. Резидент – юридик шахсларга ва чет эл давлатларига берилган бюджет ссудаларини қайтариш ҳисобига берилган тўловлар;
6. Бошқа даромадлар.

Маҳаллий бюджет даромадлари манбалари:

- ✓ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга йўналтириладиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар;
- ✓ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган умумдавлат солиқлари, йиғимлари, божлари ва бошқа мажбурий тўловлар;
- ✓ давлат мулки объектларини жойлаштириш, фойдаланишга беришдан олинган даромадлар;
- ✓ мерос олиш, ҳада этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;
- ✓ бюджет дотациялари, бюджет субвенциялари ва бюджет ссудалари;
- ✓ қайтарилмайдиган пул тушумлари;
- ✓ бошқа даромадлар.

Давлат бюджетидаромадлари ташкил топиш манбаларига кўра қуйидаги **турларга** бўлинади:

- ❖ юридик шахслардан олинадиган эгри, тўғри ва мулкый солиқлар;
- ❖ аҳолидан олинадиган солиқлар;
- ❖ ҳукуматнинг қимматли қоғозларидан олинадиган даромадлар;
- ❖ давлат мулкани сотишдан олинган даромадлар;
- ❖ хорижий ва халқаро кредитлар ҳамда молиявий ёрдамлар;
- ❖ бошқа даромадлар.

Давлат бюджетининг даромадлари ундириш усулига кўра иккига бўлинади: солиқли даромадлар ва солиқсиз даромадлар. Давлат бюджетидаромадлари солиқ турларига кўра қуйидагиларга бўлинади:

- ⇒ корхоналар даромадидан олинадиган солиқлар;
- ⇒ жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

- ⇒ қўшилган қиймат солиғи;
- ⇒ акциз солиғи;
- ⇒ мол-мулк ва ер солиғи;
- ⇒ сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- ⇒ ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- ⇒ бошқа солиқлар.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туман ва шаҳарларнинг молиявий ресурсларини бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари фондлар, аниқ мақсадга қаратилган фондлар, кредит ресурслари, шунингдек, республика бюджетидан ажратилган субвенция ва дотациялар ташкил этади:

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар: Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, туман ва шаҳарга қарашли мол-мулкни ижарага бериш ёки сотишдан тушумлар; Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ бошқа тушумлар киритилади.

Бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари банкдаги махсус ҳисобрақамларда туради, уларни олиб қўйиш мумкин эмас, улар тегишли халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг қарорига биноан сарфланади. Маҳаллий солиқлар ҳукуматлар бажарадиган вазифаларига қараб белгиланиб, уларга доимий ва тўлиқ бириктириб берилади. Маҳаллий солиқларнинг муҳим хусусияти шундаки, маҳаллий солиқлар фақат шу ҳудуднинг бюджетига тушади.


Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар маблағлари тасдиқланган бюджет доирасида харажат қилинади. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар харажатлари тасдиқланган бюджетдан маблағлар ажратиш доирасида қуйидагича амалга оширилади:

- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет ташкилотларининг жорий харажатлари шаклида;
- Жорий бюджет трансфертлари шаклида;
- Капитал харажатлар шаклида;
- Асосий фондлар ва воситаларни давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб чиқаришга;
- Давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқ ва бошқа номоддий активларни сотиб олишга;
- Бошқа харажатлар.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидагиларга мўлжалланган харажатлар молиялаштирилади:

- фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт;
- ижтимоий таъминот;
- аҳолини ижтимоий ҳимоялаш; Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини таъминлаш;
- иқтисодиёт тури тармоқларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджет ташкилотларини сақлаш; қонун ҳужжатларига мувофиқ иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг мақсадли дастурлари ва тадбирларни амалга ошириш;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадлар.

Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштиришнинг ички ва ташқи манбалари бўйича гуруҳлашдан иборат бўлади (3-расмга қаранг):



3-расм.Бюджет тақчиллигини молиялаш манбалари таснифи

Бюджет даромадлари, харажатлари ва тақчилликни молиялаштириш таснифидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тақлифларни билдириш мумкин:

Инфляция шароитида тақчилликни молиялаш манбалари асосан ички қарз маблағлари ва манбалари ҳисобига амалга оширилмоқда. Фикримизча, ташқи қарз маблағларини жалб этиш миллий иқтисодиётнинг янада тараққий топиши учун муғим манба бўлиб хизмат қилади.

4. Бюджет жараёни

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган муддатларда келгуси молия йилига: тегишли бюджетлар ва давлат мақсадли жамғармалари лойиҳаларини тайёрлаш учун- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига, давлат мақсадли жамғармаларини тақимловчи органларга; бюджетдан ажратиладиган маблағларни олишга буюртмалар тузиш учун- республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчиларга бюджет сўрови юборади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бюджет сўрови олинганидан кейин уч кунлик муддат ичида тегишли бюджетлар лойиҳаларини тузиш, ушбу лойиҳаларни тайёрлаш тартибини ва муддатларини белгилаш юзасидан қарорлар қабул қилади. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия органлари ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган қарорлар қабул қилинганидан кейин уч кунлик муддат ичида: тегишли бюджетлар лойиҳаларини тайёрлаши учун-туман ва шаҳар ҳокимларига; Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан бюджет маблағлари олишга буюртмалар тузиш учун-Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчиларга бюджет сўровлари юборади.

Вилоятга бўйсунадиган шаҳарларнинг, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар таркибига кирувчи туманларнинг ҳамда шаҳарлар таркибига кирувчи туманларнинг ҳокимлари бюджет сўрови олинганидан кейин уч кунлик муддат ичида тегишли бюджетлар лойиҳаларини

тузиш, бу лойиҳаларни тайёрлаш тартибини ва муддатларини белгилаш юзасидан қарорлар қабул қилади.

Туман ва шаҳар ҳокимликларининг молия органлари ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган қарорлар қабул қилинганидан кейин уч кунлик муддат ичида туманлар ва шаҳарларнинг бюджетларидан бюджет маблағлари олиш учун асосланган буюртмалар тузиш учун шу туман ва шаҳар бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет маблағларини олувчиларга бюджет сўровлари юборади.

Бюджетдан ажратиладиган маблағлар олиш учун бериладиган буюртма шакли ва уни тузиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджети лойиҳасини бюджет маблағлари олувчилар тақдим этган буюртмаларга ва Давлат бюджетининг тузилмасига кирувчи бюджетлар лойиҳаларига мувофиқ тайёрлайди.

Келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлаш жараёнини мувофиқлаштириш ва назорат қилишни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги вакил қилинган вазирликлар, давлат Кўмиталари, идоралар, шунингдек тегишли ташкилотлар билан биргаликда Қуйидагиларни ўз ичига олган бюджетнома лойиҳасини ишлаб чиқади ва биринчи октябргача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади:

Давлат бюджетини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби қуйидаги 4-расмда берилган.




4-расм. Бюджет жараёнининг умумий кўриниши

Келгуси молия йилига бюджетдан ажратиладиган маблағлар олишга буюртмалар:Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар томонидан жорий йилнинг биринчи июнидан кечиктирмай тегишли молия органларига; республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар томонидан жорий йилнинг биринчи июлидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади.

Келгуси молия йилига тегишли бюджетлар лойиҳалари: туманлар ва шаҳарлар

Бюджет лойиҳасини тайёрлаш тартиби қуйидаги 5-расмда берилган.




Бюджетнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йилнинг ўн бешинчи октябридан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилади.



6-расм. Бюджетномани тақдим этиш

Давлат бюджети Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинади.

Давлат бюджетига мувофиқ: Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари Давлат бюджети қабул қилинганидан кейин икки ҳафталик муддат ичида тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимият вакиллик органлари томонидан; Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар таркибига кирувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетлари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бюджетлари қабул қилинганидан кейин бир ҳафталик муддат ичида туман, шаҳар ҳокимият вакиллик органлари томонидан; шаҳарлар таркибига кирувчи туманлар бюджетлари ва туман бўйсунувидаги шаҳарлар бюджетлари белгиланган муддатларда маҳаллий ҳокимият юқори турувчи вакиллик органлари томонидан қабул қилинади.



7-расм. Давлат бюджетини қабул қилиш муддатлари

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари эътиборига Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари даромадлари ва харажатлари миқдорини, шунингдек келгуси молия йили учун уларга республика бюджетидан ажратиладиган бюджет дотациялари ва бюджет субвенциялари миқдорини ва бюджетга оид бошқа кўрсаткичларни Давлат бюджети қабул қилинганидан кейин уч кунлик муддат ичида; Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ Қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона Қўмитаси эътиборига Давлат бюджети даромадларининг тасдиқланган миқдорини Давлат бюджети қабул қилинганидан кейин бир ҳафталик муддат ичида; республика бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар эътиборига улар учун белгиланган даромадлар ва харажатлар миқдорини-Давлат бюджети қабул қилинганидан кейин ўн кунлик муддат ичида етказди.

ТАКЛИФ ВА ХУЛОСА

Хориж тажрибалари шуни кўрсатадики, ҳозирда мамлакатимизда жорий этилаётган ғазначилик тизими самарали ишлаб туриши учун унга асос бўладиган ҳужжат-мамлакатнинг барча йўналишлар бўйича харажатлари батафсил ажратиб чиқилган режани ўз ичига олган сифатли бюджетни шакллантиришдир. Шуни таъкидлаш зарурки, мамлакат бюджети бюджет йили бошлангунга қадар имкони борича батафсил ҳолда қабул қилиниши керак. Акс ҳолда, ғазначиликнинг меъёрий фаолияти беқарорлашуви, унинг самарадорлиги пасайиши мумкин. Иккинчидан, давлат бюджетини ижро этишнинг ғазначилик тизимида бюджетнинг вазифасига оид ва иқтисодий аниқ таснифи бўлиши билан биргаликда моддий-техникавий базани мустаҳкамлаш ва дастурлар жадаллигини ошириш зарур.

Бизнинг фикримизча, ғазначиликни ягона ҳисобрақамини жорий этиш-Давлат бюджетини ғазначилик ижросидаги даромадларни бошқаришнинг асосий тамойилларидан бирини амалга ошириш натижасидир. Шунингдек, турли даражаги бюджетларни тушумини ҳамда бюджет ва мақсадли жамғармаларнинг маблағларини оптимал ишлатилишини комплекс назорат қилиш мумкиг бўлади.

Миллий иқтисодиётнинг сўнгги йиллардаги барқарор ривожланиши, давлат бюджетнинг икки давомида профицит билан ижро этилиши иқтисодиётда инвестиция учун захира жамағармаларининг мавжудлигидан далолат беради, бу эса давлат харажатларини янада ошириш, устувор ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этишга йўналтирилаётган маблағлар ҳажмини оширишга шарт-шароит яратади. Шу маънода бюджет ижросининг янги тизими ҳисобланган Ғазначиликни жойларда қисқа муддатларда жорий этишга сарф-харажатларни молиялаштиришни ошириш имконияти мавжуд.

Бюджет тақчиллигини камайтириш иқтисодиётда мутаносибликни таъминлаши муҳим омили ҳисобланади. Бунинг учун эса бошқарув харажатларини қисқартириш, дотацияларнинг ҳар хил турларини ва нархларини қоплаш учун маблағ ажратилиши камайтириш, марказлаштирилган кафолатлаш тизимидан воз кечиш, маҳаллий бюджетлар мустақиллиги ва ўз-ўзини молиялаштиришга эришиш лозим, деб ҳисоблаймиз кенгайтириш лозим.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

Каримов И. А. “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”. – Т.: Ўзбекистон, 1995. 270 б.

Каримов И. А. “Ўзбекистон Буюк келажак сари”. – Т.: Ўзбекистон, 1998. 686 б.

Каримов И. А. “Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон пировард мақсадимиз”. – Т.: Ўзбекистон, 2000. 528 б.

Президент И. А. Каримов 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги нутқи, Халқ сўзи газетаси, 2006 йил 13 февраль.

«Бюджет тизими тугрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни N 158-II, 14.12.2000.

«Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий классификацияси» Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирининг 6 март 2003 й. 27-сонли буйруғи.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 й.3 сентябрдаги 414-сонли «Бюджет ташкилотларини молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори.

«NORMA» ахборот-ҳуқуқий тизими.

Давлат молияси тизими. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар туплами. 1-2-3-жилдлар. –Т.: Ўзбекистон, 2001, 2002.